



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

COPY RIGHT



ELSEVIER
SSRN

2020 IJIEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJIEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copy right is authenticated to Paper Authors

IJIEMR Transactions, online available on 22nd Dec 2020. Link

<http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12>

DOI: 10.48047/IJIEMR/V09/I12/69

Title: Фўза генетик коллекцияси линияларининг реципроқ F1-F2 дурагайларида 1000 дона чигит вазни белгисининг ирсийланиши, ўзгарувчанлигига авлоддан авлодга берилиши

Volume 09, Issue 12, Pages: 372-374

Paper Authors

Хайитова Шахло Давлатовна.



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code



Ғұза генетик коллекцияси линияларининг реципрок F₁-F₂ дурагайларида 1000 дона чигит вазни белгисининг ирсийланиши, үзгарувчанлигива авлоддан авлодга берилиши

Хайитова Шахло Давлатовна.

Термиз давлат университети

(xayitova2016@mail.ru)

Хозирги кунда жағоннинг 84 мамлакатида ғұзаўстирилади. Шу сабабли ҳам бугунги кунда жағон миқиёсида пахта толасининг сифатига бўлган талаб ортиб бормоқда. F₂ занинг ҳосилдорлиги юқори бўлган янги навларни яратиш ҳамда қимматлихўжалик белгиларнинг ирсийланиш ва үзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш, белгиларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлик характерини очиб берган ҳолда аниқлаш ва илмий изланишлар олиббориш муҳим илмий-амалий йўналишлардан ҳисобланади [1, 2].

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ийлларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадаллаштириш борасида муайян ютуқларга эришилди. 1000 дона чигит вазни бўйича Л-608 ва Л-620 линияларининг ўртача кўрсаткичлари бир-бирига жуда яқин бўлди (мос равища 110,1±0,70 г. ва 110,7±0,53 г.). Қолган барча холларда Л-608, Л-4112, Л-620, Л-39 ва Л-15 линиялар ўртасидаги фарқланиш ишончли бўлганлиги аниқланди [1,2].

1000 дона чигит вазни нисбатан юқори Л-4112 ва ўртача бўлган Л-15 линиялари иштирокида олинган тўғри F₁Л-4112хЛ-15 ва тескари F₁Л-15хЛ-4112 дурагай комбинацияларида ўртача кўрсаткичлар мос равища 110,8±0,10 ва

107,6±0,70 г. ни ташкил этиб, салбий гетерозис (мос равища hp=-4.8 ва hp=-6.8) кузатилди [3].

Нисбатан ўртача кўрсаткичга эга Л-15 ҳамда паст кўрсаткичли Л-39 линияларидан олинган тўғри F₁Л-39хЛ-15 дурагайда ўртача кўрсаткич 107,8±0,70 г. ни ташкил қилиб, белгини салбий ўта устунлик (hp=-2,9), тескари F₁Л-15хЛ-39 дурагайда эса ўртача кўрсаткич 113,6±1,35 г. га тенг бўлиб, белгини оралиқ (hp=-0.4) ҳолда ирсийланганлиги аниқланди.

Л-15 линияси биланнисбатан паст кўрсаткичли Л-608 ва Л-620 линиялари ўртасида олинган реципрок F₁дурагай комбинацияларида 1000 дона чигит вазнининг салбий, ижобий устунлик ва оралиқ ҳолида ирсийланганлиги аниқланди.



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

1-жадвал Ғұза генетик коллекцияси линияларининг реципрок F₁ дурагайларыда 1000 дона чигит вазни белгисининг ўзгаруышындағы

Ғұза генетик коллекцияси линияларининг реципрок F₁ дурагайларыда

1000 дона чигит вазни белгисининг ирсийланиши

| Линиялар | 1000 чигит вазни, г. | S | V | hp |
|----------------------------|----------------------|-----|-----|------|
| Л-15 | 116,9±0,6 | 3,9 | 3,3 | - |
| Л-4112 | 120,1±0,6 | 3,3 | 2,7 | - |
| Л-608 | 110,1±0,7 | 4,1 | 3,7 | - |
| Л-39 | 112,3±0,9 | 5,3 | 4,7 | - |
| Л-620 | 110,7±0,5 | 3,4 | 3,0 | - |
| F ₁ Л-4112xЛ-15 | 110,8±0,1 | 5,7 | 5,1 | -4,8 |
| F ₁ Л-15xЛ-4112 | 107,6±0,7 | 4,8 | 4,5 | -6,8 |
| F ₁ Л-608xЛ-15 | 116,6±0,6 | 3,6 | 3,1 | 0,9 |
| F ₁ Л-15xЛ-608 | 114,4±0,6 | 4,6 | 4,1 | 0,3 |
| F ₁ Л-39xЛ-15 | 107,8±0,7 | 3,8 | 3,5 | -2,9 |
| F ₁ Л-15xЛ-39 | 113,6±0,7 | 4,6 | 4,1 | -0,4 |
| F ₁ Л-620xЛ-15 | 116,1±0,8 | 5,2 | 4,5 | 0,7 |

Реципрок F₂Л-608xЛ-15 ва F₂Л-15xЛ-608 ўсимликлари ўзгаруышындағы қаторнинг 82,0 г. дан 121,0 г. гача ва 82,0 г. дан 126,9 г. гача бўлган 8 та ва 9 та синфларда жойлашиб, энг кўп (26 та ва 29 та) ўсимликлар 102,0-106,9 г. ва 112,0-116,9 г. кўрсаткичли модал синфлардан ўрин олди. Комбинацияларда кучли чап тарафлама трансгрессия кузатилиб, 1000 чигит вазни паст кўрсатичга эга ўсимликлар ажралиб чиққанлиги аниқланди ва улар умумий ўсимликларнинг 54,1% ни ташкил қилди.

| Тр | Линия ва комбинациялар | n | Синфлар, г | | | | | | χ ₂ S _x | S | V | h ² | | | | |
|----|----------------------------|-----|------------|-----------|-----------|------------|-------------|-------------|-------------------------------|-------------|-------------|----------------|-------------|-------------|------|-----|
| | | | 82,0-86,9 | 87,0-91,9 | 92,0-96,9 | 97,0-101,9 | 102,0-106,9 | 107,0-111,9 | 112,0-116,9 | 117,0-121,9 | 122,0-126,9 | 127,0-131,9 | 132,0-136,9 | 137,0-141,9 | | |
| 1 | Л-15 | 45 | | | | | 16 | 20 | 9 | | | 116,9±0,6 | 3,9 | 3,3 | | |
| 2 | Л-608 | 37 | | | | | 6 | 8 | 16 | 6 | | 110,1±0,7 | 4,8 | 3,6 | | |
| 3 | Л-620 | 31 | | | | | 7 | 22 | 12 | | | 110,7±0,5 | 3,4 | 3,1 | | |
| 4 | Л-4112 | 35 | | | | | | 6 | 20 | 9 | | | 120,1±0,6 | 3,3 | 2,7 | |
| 5 | Л-39 | 32 | | | | | 4 | 10 | 11 | 7 | | | 112,3±0,9 | 5,3 | 4,7 | |
| 6 | F ₂ Л-608xЛ-15 | 111 | 6 | 6 | 23 | 25 | 26 | 18 | 4 | 3 | | | 99,2±0,9 | 7,9 | 9,0 | |
| 7 | F ₂ Л-15xЛ-608 | 183 | 7 | 26 | 16 | 26 | 24 | 20 | 29 | 20 | 15 | | 103,4±0,9 | 11,6 | 11,3 | |
| 8 | F ₂ Л-620xЛ-15 | 130 | 7 | 10 | 12 | 22 | 15 | 25 | 23 | 9 | 7 | | 108,4±0,9 | 10,6 | 9,8 | |
| 9 | F ₂ Л-15xЛ-620 | 118 | 9 | 8 | 10 | 15 | 13 | 25 | 19 | 13 | 4 | 2 | 108,9±1,0 | 11,3 | 10,3 | |
| 10 | F ₂ Л-4112xЛ-15 | 181 | 10 | 16 | 17 | 37 | 41 | 29 | 21 | 10 | | | 105,9±0,7 | 9,1 | 8,6 | |
| 11 | F ₂ Л-15xЛ-4112 | 113 | 2 | 13 | 22 | 11 | 12 | 16 | 15 | 20 | 2 | | 108,0±1,0 | 10,9 | 10,1 | |
| 12 | F ₂ Л-39xЛ-15 | 153 | 6 | 15 | 24 | 14 | 16 | 32 | 24 | 18 | 4 | | 103,1±0,9 | 10,7 | 10,4 | |
| 13 | F ₂ Л-15xЛ-39 | 140 | 1 | 7 | 13 | 8 | 20 | 26 | 33 | 21 | 10 | 1 | | 107,5±0,8 | 9,8 | 9,1 |

Л-15 линияси ва Л-4112, Л-608, Л-620, Л-39 линияларининг реципрок F₁дурагайлари ўртасида фарқланиш мавжудлиги аниқланди.

Ғұза генетик коллекцияси линияларининг реципрок иккинчи авлод ўсимликлари ўзгаруышындағы 82,0 г. дан 136,9 г. гачабўлган 8-10та синфлари оралиғида жойлашиди. Л-15, Л-620 ва Л-4112 линиялари ўсимликлари 3 та, Л-608 ва Л-39 линия ўсимликлари 4 та синфлардан ўрин эгаллади.

F₂Л-608xЛ-15, F₂Л-15xЛ-608 ва F₂Л-39xЛ-15 комбинацияларда белгининг ўртасида кўрсаткичлари нисбатан паст (мос равища 99,2 г., 103,4 г. ва 103,1 г.), F₂Л-620xЛ-15, F₂Л-15xЛ-620, F₂Л-4112xЛ-15, F₂Л-15xЛ-4112 ва F₂Л-15xЛ-39 комбинацияларда нисбатан юқори бўлди (108,4 г., 108,9 г., 105,9 г., 108,0 г. ва 107,5 г.).

Реципрок F₂Л-620xЛ-15 ва F₂Л-15xЛ-620 комбинация ўсимликлари ўзгаруышындағы 87,0 г. дан 131,9 г. гача ва 87,0 г. дан 136,9 г. гача



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

бўлган 9 та ва 10 та синфлари оралиғида жойлашди. Ўсимликларнинг энг кўп қисми (29 та ва 25 та) кўрсаткичи 112,0-116,9 г. бўлган модал синфда жой олди. Кузатилган чап ва ўнг тарафлама трансгрессия ҳисобига 1000 дона чигит вазни паст бўлган мос равища 22,3% ва 22,9% хамда кўрсаткичлари юқори 12,3% ва 16,1% ўсимликлар ажralиб чиқди.

F_2 Л-4112хЛ-15 ва F_2 Л-15хЛ-4112 ўсимликлари 87,0 г. дан 126,9 г. гача ва 87,0 г. дан 131,9 г. гача бўлган 8 та синфларда жойлашди. Ўсимликларнинг энг кўпи (41 та ва 22 та) 107,0-111,9 г. ва 97,0-101,9 г. гача бўлган кўрсаткичли модал синфларда жойлашди. Ушбу комбинацияларда чап тарафлама трансгрессия қайд этилди. Бунинг натижасида 1000 дона чигит вазни паст бўлган 44,2% ва 42,5% ўсимликлар ажralиб чиқсанлиги аниқланди. F_2 Л-15хЛ-4112 комбинациясида кучсиз ўнг тарафлама трансгрессия кузатилди ва юқори кўрсаткичга эга бўлган ўсимликлар ажralиб чиқди. Улар умумий ўсимликларни 1,8 % ни ташкил этди.

F_2 Л-39хЛ-15 ва F_2 Л-15хЛ-39 ўсимликлари вариацион қаторнинг 82,0 г. 126,9 г. гача ва 82,0 г. дан 131,9 г. гача бўлган 9 та ва 10 синфларда жойлашди. Энг кўп (32 та ва 33 та) ўсимликлар 107,0-111,9 г. ва 112,0-116,9 г. кўрсаткичли модал синфларда учради. Ҳар иккала комбинацияда чап тарафлама трансгрессия кузатилди. Ажralиб чиқсан паст кўрсаткичли ўсимликлар умумий ўсимликларнинг 38,6% ва 20,7% ташкил этди. F_2 Л-15хЛ-39 комбинациясида кучсиз ўнг тарафлама трансгрессия аниқланди. Юқори кўрсаткичли

ўсимликларнинг миқдори 2,5% га тенг бўлди.

Ўрганилган комбинацияларда 1000 дона чигит вазнининг ўзгарувчанлик кўлами чизмаси бир ва икки чўққили кўринишга эга бўлди.

1000 дона чигит вазни белгисининг авлоддан авлодга берилиш коэффициентлари F_2 Л-15хЛ-620 ва F_2 Л-15хЛ-4112 комбинацияларида ушбу белгининг генотипга кучли (h^2 -0,7) боғлиқ эканлигини кўрсатди. Қолган комбинацияларда белгининг авлоддан авлодга берилишида генотипнинг таъсири ўртача (h^2 -0,5-0,6) даражада бўлганлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Мусаев Ж.А., Алматов А.С., Тўрабеков.Ш., Абзалов М.Ф., Фатхулаева.Г.Н, Мусаева С.Т., Закиров.С.А, Рахимов.А.К, “Генетический анализ признаков хлопчатника”. Тошкент. Изд-во НУУз, 2005. с.121.
- 2.Эгамбердиев А.Э., Ибрагимов Ш.И., Амантурдиев А.Б. Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва биологияси//Т.: Фан, 2009.- Б. 52-53.
- 3.Мухиддинов Т.И., Абдуллаев А.Ф. “Белгиларнинг генетик селекцион асоси” УДК: 633.511.576.631.527. Ўзбекистон Биология Журнали Тошкент 2006. №4 57-61 бет.
- 4.Тўйчиев Х.Ю., Айрим ғўза нави ва тизмаларида морфобиологик ва хўжалик белгиларнинг ирсийланиши. ЎзРФА Генетика ва ЎЭБИ. “Ғўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди-фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси” Тошкент 2010 й. 126-128 бет.